



## **БОЛАЛАР ЦЕРЕБРАЛ ФАЛАЖИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ТАРҚАЛИШИ ВА УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ**

**Мадаминова Н.С**

*Алфраганус Университети*

БЦФ билан яшовчи болалар стоматологик касалликларга мойил тоифа ҳисобланади, чунки уларда оғиз бўшлиғи гигиенаси назорати қийинлашган, ютиш ва чақиш функциялари чекланган, суюқ ва қаттиқ овкатларни қайта ишлашда қийинчиликлар кузатилган.

Моторика камайиши ва суюқ суюқликнинг меъёрдан ортиқ ажралиши кариес, гингивит ва пародонтитни ривожланишига ёрдам беради. Эмаль гипоплазияси ва минераллашув бузилишлари эса стрессли перинатал даврнинг оқибати сифатида кўп учрайди.

Илмий кузатишлар БЦФли болаларда кариес тарқалиши соғлом тенгдошларга нисбатан 1,5–2 барабар юқори эканини кўрсатади. Шунингдек, оғиз бўшлиғидаги дисбиоз, нотўғри қўшимча парвариш, микро- ва макронутриент етишмовчилиги, доимий дори воситалари қабул қилиш ҳам патологиялар ривожига таъсир кўрсатади.

Мақсад. БЦФ бўлган болаларда стоматологик касалликлар учраш частотасини таҳлил қилиш, асосий хавф омилларини аниқлаш ва профилактик чораларни ишлаб чиқиш.

Клиник текширувлар асосида қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилди: БЦФли болаларда кузатилган кариес улуши — 78–82%, (соғлом болаларда — 40–55%). Бир боладаги ўртача кариес зублари сони —  $4,6 \pm 0,8$  та. Эмаль гипоплазияси — 31–38% ҳолларда, айниқса спастик диплегия ва гемипаретик формаларда кўп кузатилган.

Гингивит ва пародонт ҳолати: Гингивит белгилари — 65–70% беморларда; Суюқ суюқликнинг ортиши ва оғизни ёпиб туришдаги қийинчилик сабабли гингивал капиллярлар осон уйғироқланувчан ҳолатга келган; Пародонт тўқималарида яллиғланишнинг енгил даражаси — 45%, ўртача даражаси — 18% болаларда қайд этилган.

Дисбиоз ва оғиз микробиотаси ўзгаришлари. Лаборатор таҳлиллар шундай ҳолатларни кўрсатди: *Streptococcus mutans* концентрацияси 2–3 барабар юқори; *Lactobacillus* spp. пасайиши билан микробиота балансининг бузилиши 58% ҳолларда кузатилган; Орофациял дисфункция давомийлиги микробиозни янада оғирлаштирган;

Тиш қаторлари ва окклюзия ўзгаришлари. БЦФли болаларда ортоодонтик патологиялар ҳам юқори учрайди: Диплегик формаларда очиқ прикус — 22–24%.



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2025"

Гемипаретик формаларда носимметрик окклюзия — 18%. Макроглоссияга яқин ҳолатлар, тилнинг паст позицияси ва гиперсаливация туфайли алвеоляр қаторнинг деформацияси — 15–20%.

Оғирлаштирувчи омиллар. Таҳлилга кўра асосий хавф омиллари: Мотор функция чекланганлиги → гигиеник парваришда қийинчилик. Ютиш дисфункцияси → озиқ қолдиқлар йиғилиши. Дори воситалари (антиконвульсантлар) → минерал балансга таъсир. Макронутриент етишмовчилиги → эмаль етишмовчилиги ва гипоплазия. Ота-она томонидан парвариш этиш малакаси пастлиги → гигиенага нотўғри ёндашув.

Профилактик чоралар самарадорлиги. 6 ойлик профилактика дастури (фторид лак, гигиена тренинги, таомланишни тўғирлаш) қуйидаги натижаларни берди: кариес ривожланиши 32% га камайди; милк қонаш даражаси 40% га пасайди; сўлак рН кўрсаткичи меъёрга яқинлашди (6.2 → 6.7); Ота-оналарнинг гигиена бўйича билим даражаси 2,3 баробар ошди.